



## Ислом Нури

Бисмиллахи рохманир рохийм

Аллох Таъолога хамду санолар, У Зотнинг башарийятга муаллим килиб жўнатган Пайгамбари хазрати Мухаммад, ахли байтлари, сахобалари ва тобейнларига дурудун салавотлар бўлсин!

Ассалому алайкум ва рохматуллохи ва барокатух...

Кейин...

Биз ушбу суҳбатимизда хижома (кон олдириш), унинг маъноси, фазилати, фойдаси, уни кандай амалда кўлланиши хамда кайси кунларда килиниши хакида сўз юритамиз ва суҳбатимизни кичик бир хулоса билан якунлаймиз.

**Аввало:**

Хижома сўрмок маъносидаги хажм сўзидан олинган. Бола она кўкрагини сўрса - эмса, арабчасига: "Хажма ас-сабийю уммаху", — дейилади. Кон олгувчи шахс хам, конни сўриб олиш йўли билан олса, уни "Хажжом" дейилади. Кон олиш касбига: "Хижома", кон олинадиган асбоб ускунага эса: "Михжам" дейилади. (Лисанул-араб китобидан)

**Фукахоларнинг хижомага берган таърифлари:**

Баъзи олимлар хижомани (сўриб олиш шарти билан) сўриб олиш асбоби оркали бошнинг орка томонидан конни чиқариб олишга кайд этиб - хослаб кўядилар.

Зарконий эса: "Хижома факатгина, бошнинг оркасига хос эмас балки, баданнинг бошка ўринларидан хам хижома килиш мумкин яъни,



## Ислом Нури

хижома йўли билан бузилган конни чиқариб ташлаш мумкин”, — дейдилар. Хаттобий ҳам ушбу фикрни кўллаб-куватлайдилар.

Хуллас: “Сўриб олишга мосланган (хох қадимий, хох замонавий) асбоб-ускуна билан бузилган конни жасад – бадандан чиқариб ташлашни хижома”, — дейилади.

Хижома қадимдан маълуму машҳурдир. Қадимги Чинликлар (Хитойлар), Бобилликлар ва Фиръавнлар даврларида ҳам уни амалда кўлланган. Улардан қолган осори атикаларда баъзи касалларни хижома йўли билан даволашаётганлигини тасвирловчи суратлар бунга далолат қилади.

Қадимдагилар бу ишда маъданий (тилло, қумиш) қаъс(банка)лар ва хўкиз шохларидан фойдаланганлар. Улар бу шохларни беморнинг жасадидан қон олишмоқчи бўлган ўринга қўйиб, унинг ичидаги хавони шохнинг уч қисмидаги қичкана тешиқча орқали сўриб чиқариб, шохнинг ичини хаводан холи қилиб қўйганлар. Чунончи, бу ишда шиша банқалардан ҳам фойдаланса бўлади. Бир бўлак пахта ёки шу қаби бир нарсани банка ичида ёндириб, уни хаводан холи қилиб, беморнинг баданидан қон олишмоқчи бўлган ўринга қўйилади, қўйишдан аввал мазкур ўрин бирон ўткир нарса (мас: устара, олмос) билан тилинади.

### **Хижоманинг фазилатлари:**

Сайид ибн Жубайр разияллоху анху Ибн Аббос разияллоху анхумодан, у киши эса, Росулulloх соллalloху алайхи ва салламдан ривоят қилган ҳадисни Имом Бухорий ўз саҳихларида ривоят қилдилар:

«Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам айтдилар: “Шифо уч



## Ислом Нури

нарсададир – асал ичишда, мехжам (хижомада ишлатиладиган асбоб)нинг тилишида (яъни, хижома килдиришда) ва ўт билан куйдиришда. Ва (мен) умматимни ўт билан куйдириб (даволаниш)дан кайтараман”». (Бухорий: 5269)

Сахих Бухорий ва Муслимда кўйидаги хадисни ҳам ривоят қилинади: «Анас ибн Молик разияллоху анхудан, хажжом (кон олувчи)нинг касби хакида сўралганда, у зот: “Росуллох соллаллоху алайхи ва саллам хижома килдирганлар. У зот соллаллоху алайхи ва салламга хажжомлик килган Абу Тоййибага икки соъ (ўртача 5 кг атрофида) таъом беришга буюриб ва ахилларига унинг хирожидан бир оз камайтиришни тайинладилар. Кейин (Росуллох соллаллоху алайхи ва саллам) дедилар: “Даволанишларинг учун энг афзал нарса хижомадир. Ёки (айтдилар), “Хижома даволарингизнинг энг муносибларидандир”».

Жобир ибн Абдуллох разияллоху анху: “Росуллох соллаллоху алайхи ва салламдан: “Дори-дармонларингизнинг бирортасида яхшилик бўлса, албатта у: мехжамнинг тилишида (хижомада), асал ичишда, ўт билан куйдиришдадир. (Аmmo мен) ўт билан куйдириб даволанишни яхши (хуш) кўрмайман”, — деб айтаётганларини эшитганман”, — дедилар. (Бухорий: 6583, Муслим: 2205)

### **Хижоманинг фойдаси:**

Хижоманинг кадимда ҳам, хозирда ҳам, жуда кўп хасталиклардан даволанишда сезиларли фойдаси бор эканлигини амалда тажриба билан кўрилганлиги сир эмас.

Кўйидагилар хижома амалий равишда кўлланиб, Аллох Таъолонинг



## Ислом Нури

изни билан фойдаси кузатилган хасталиклардир.

- 1 - Кон айланиш органларидаги хасталик.
- 2 - Кон босими, юрак хасталиклари.
- 3 - Кўкрак огриги, нафас кисиши.
- 4 - Бош ва кўз огриклари.
- 5 - Бўйиндаги, корин бўшлигидаги огриклар ҳамда мускуллардаги бод (реватизм) касалликлари.
- 6 - Баъзи турдаги юрак, кўкрак хасталиклари ҳамда бўгинлардаги огриклар ва хоказо...

Яна бир томони шундаки, баъзи ҳолатларда хижомага атрофдан бошқа нарсалар (дори-дармонлар) кўшимча килинмаган ҳолатда ҳам, у ёлғиз ўзи ҳам жуда фойдалиқ бўлиб, огрикни енгиллаштиради.

Хижоманинг фойдалари хакида кўпроқ маълумот олиш учун Ибн ал-Каййимнинг "Зодул-Маъод", Иброхим ал-Хозиймийнинг "Хижоманинг ҳукм ва фойдалари" номли китобларига мурожаат этилсин.

### **Хижоманинг тарикаси:**

Шохдан ясалган хижома асбобини баданнинг кон олиниши керак бўлган жойига ўрнаштириб, унинг ингичка томонидан очиб кўйилган кичкина тешиқча оркали ичидаги хавони сўриб олиниб, тешиқчани сакич (звачка) каби ёпишқок нарса билан тўсиб кўйилади. Агар шох ўрнига замонавий банка ишлатилса, у холда спирт, пахта, коғоз



## Ислом Нури

парчаси ёки шу каби бирор нарсани банка ичида ёкиб хаводан холи килиб, кон олинадиган ўринга ёпиштириб ўрнатилади (Агар хижома учун махсус тайёрланган мосламани топилса, у жуда кулай). Уч дакикадан то ўн дакикагача (шоҳ хам худди шундай) халиги ўринга ёпишиб ўрнаб туради. Кейин уни кўчириб олиб, у жойни кескир (устара, лезва) каби нарса билан охиста майда-майда тилинади. Кейин юкоридаги равишда банкани (ёки шоҳни) халиги ўринга кайтадан ёпиштириб ўрнатилади. Кузатиб турилса, бир оз муддатда банка (ёки шоҳ) бузилган - айниган кон билан тўла бўлади. (Агар эҳтиёж сезилса, шу ишни яна бир марта такрорлаш мумкин). Кифоя киларлик даражада бузилган конни чиқариб олингач банкани (ёки шоҳни) кўтариб олинади. Жарохатланган ўринга пахта куйдириб, ёки шу каби конни тўхтатадиган бирор тиббий дори кўйилади.

Кўпроқ маълумот олиш учун, доктор: Низомий ал-Каббонийнинг "Майда жаррохлик" хакидаги бахсига мурожаат этилсин!

Хижомани билган, тажрибалик киши яъни, хажжомлик малакасига эга бўлган шахс килмоглиги шартдир!

### **Хижома килиш вақти:**

Имом Термизий Абдуллох ибн Аббос разияллоху анхумодан ривоят килган хадисда расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Сизлар хижома киладиган кунларингизнинг энг яхшиси 17, 19 ва 21-кунлардир» (бу кунлар хижрий-камарий хисобдаги ойлар кунларидир).

Анас ибн Молик разияллоху анхудан ривоят килинади расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Кимки хижома килмокчи бўлса 17, 19 ва 21- кунларни танласин, сизлардан бирортангизнинг



## Ислом Нури

кони ошиб кетиб уни ўлдириб кўймасин» (яъни, агар бирортангизнинг кони суюлиб, ошиб кетса кайси кунда бўлса ҳам хижома килаверсин. Бу изох Ибнул Коййимнинг «Зодул-Маъод» китобидан олинди) Ибн Можа ривояти.

Имом Ибн Можа Ибн Умар разияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам шундай дедилар: «Оч коринга (эрталабда) килинган хижома яхшироқдир. Унда шифо ва барака бор, ақл ва зехни оширади. Аллохнинг баракаси билан пайшанба куни хижома килинглари. Чоршанба, жума, шанба ва якшанба кунлари хижомадан сакланинглари. Душанба ва сешанба кунлари хижома килинглари, у Аллох Айюбни мусибатдан халос қилган кун, унга мусибатни чоршанба куни юборганди. Мохов ва пес чоршанба куни ёки чоршанбага ўтар кечаси пайдо бўлади». Имом Ибнул Коййим «Зодул-Маъод» китобида айтадилар: «Ҳадисларда мазкур 17,19 ва 21- кунлар ойнанинг иккинчи ярмига тўғри келмоқда бу табиблар иттифок қилган муддатга мувофиқдир. Бу хижома учун энг муносиб вақтга далолат қилади, холос. Агар киши кайсидир сабабга кўра баданидан қон олдиришга эҳтиёж сезса кайси кунда бўлса ҳам хижома қилса бўлаверади». (Зодул Маъод» 674 бет)

### Хулоса:

Юқорида айтиб ўтганларимиздан маълум бўладики, хижома баъзи бир надон одамлар ўйлаганидек фойдасиз иш бўлмай балки, қадим замонлардан бери Ҳакимлар томонидан тасдиқланган жуда ҳам фойдали тиббий бир амалиётдир. Бизларга ота-оналаримиздан ҳам кўра меҳрибонроқ бўлган Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам бизларни бу ишга тарғиб қилиб, ўзлари ҳам амалда қўллаганларини ҳисобга олган ҳолда, сизу биз мусулмонлар бу



## Ислом Нури

манфаатлик ишдан фойдаланмогимиз даркор. Жуда кўп уламолар хижомани амалда кўллаб, унга суннат каби амал килиб, бу борада китоблар таълиф этганлар. Сизу биз мусулмонларга мана шунинг ўзи кифоядир.

Аллох Таъоло хаммамизни фойдали ишларга Ўзи муваффақ айласин!

Абу Мухаммад тайёрлади.